

Bir yoshda go'shtga topshirish daromadliroq ekanligi aniqlangan. To'g'ri parvarishlangan qo'zilar tirik vazni 8 oylikkacha katta qo'ylar tirik vaznining 70-80 foiziga yetadi. Shuningdek, yosh qo'ylar ozuqani tirik vazn bilan yaxshiroq qoplaydi. Belgilangan yoshgacha o'sish xarajatlari asosan cho'ponlarning faqat 8 oylik ish haqidan iborat bo'ladi [3].

Go'shtning tez yetiluvchanligi yuqori sifatli qo'y go'shtini erta (8-10 oylik) yoshda berish imkoniyatida namoyon bo'ladi. Bunday tez yetiluvchanlikka ixtisoslashgan go'sht yo'nalishidagi qo'ylar va ularning duragaylari egadirlar.

Xulosa. Go'sht mahsuldorligini oshirish uchun kam mahsuldor sovliqlarni go'sht yo'nalishidagi qo'chqor zotlari bilan chatishtirib, olingan duragaylarni bir yoshda go'shtga topshirish tavsiya etiladi. Hayvonlarda mavjud bo'lgan tabiiy tez yetiluvchanlik xususiyatidan samarali foydalanish lozim. Bundan tashqari ikki zot o'rtasida maqsadli chatishtirish ishlarini olib borib, yuzaga keladigan geterozis xodisasidan unumli foydalanish mumkin.

Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati

1. Bobokulov, N., Khatamov, A., Abduzoirova, D., Yusupov, A., Urimbetov, A., & Olmasov, B. (2021). Meat productivity of sheep in Uzbekistan and its relationship with different factors. In E3S Web of Conferences (Vol. 258, p. 04020). EDP Sciences.

2. Ерохин А.И. и др. Интенсификация производства и повышение качества мяса овец. М. 2015 -304 стр.

3. Есенгалиев К.Г. Рост и развитие мясо-шерстного молодняка разного происхождения // Овцы, козы, шерстяное дело. – 2011. – №2. – С. 61-63.

4. Рогов И.А., Забашта А.Г., Казюлин Г.П. Общая технология мяса и мясopодуктов. М.: Колос, 2000. - 368 с.

5. Хеммонд Дж. Рост и мясная продуктивность //Руководство по разведению животных- М., 1963.-Т.-с.242-259.

УЎК: 636.0.82.933

ҚОРАҚАЛПОҚ СУР ҚОРАҚҮЛ ҚҰЧҚОРЛАРИНИНГ ГҲШТ МАХСУЛДОРЛИГИГА ПАРАТИК ОМИЛЛАРИНИНГ ТАЪСИРИ

А.А.Уримбетов-к.х.ф.д. (PhD),

Н.А.Бобокулов-к.х.ф.д., профессор

Қорақўлчилик ва қўл экологияси илмий-тадқиқот институти

Аннотация. Мақолада қўйларнинг гўшт маҳсулдорлиги, қорақалпоқ сур қорақўл қўчқорларининг этиологик хусусиятлари ўрганилган. Қўчқорлар ва уларнинг маҳсулдорлигининг шаклланиши ва намоён бўлишига ушбу хусусиятларнинг таъсирини ўрганиш асосида уларнинг маҳсулдорлигини ошириш йўллари аниқлаш зарур.

Калит сўзлар: гўшт маҳсулдорлиги, ҳаётчанлиги, қўйларнинг конституцияси, ташиқи муҳит таъсири, маҳсулдорлиги, қўл – яйлов чорвачилиги.

Annotation. The article examines the meat productivity of sheep of different etiologic types, the study of the etiologic characteristics of the Karakalpak sur, Karakul rams; Based on the study of the influence of these characteristics on the formation and manifestation of productivity in rams and their offspring, it is necessary to determine the ways to increase their productivity.

Key words: meat yield, liveability, constitution of sheep, external environmental effects, productivity, desert-pasture cattle breeding.

Кириш. Қорақўлчилик Республика чорвачилигида муҳим ўрин тутадиган соҳалардан бири ҳисобланиб, унинг асосини ташкил этувчи қорақўл қўйлари қарийб 20,0

млн. гектар оғир экстремал шароити билан характерланидиган чўл яйловларидан фойдаланишга мослашган.

Дунё бўйича қорақўл қўйларининг қайд этилган қимматли хусусиятлари уларнинг дунёнинг 40 дан ортиқ давлатларга тарқалиши ва урчитилишига сабаб бўлган. Бу мамлакатлар ичида Ўзбекистон, Қозоғистон, Туркменистон, Тожикистон, Россия, Молдова Жанубий Африка Республикаси, Намибия, Афғонистон қорақўлчилик ривожланган давлатлар қаторига киради.

Ушбу давлатларда қорақўл қўйларининг ирсиятини такомиллаштириш, генофондини кенгайтириш, маҳсулдорлик ва ирсий хусусиятларини яхшилаш каби йўналишларда кенг қамровли илмий – тадқиқот ишлари бажарилган, турли ранг, рангбаранглик, гул типларидаги қўйларнинг қимматли генотиплари яратилган [3].

Турли сақлаш шароитида ҳайвонлар маҳсулдорлигини ўрганиш бўйича тадқиқотларда уларни парваришлаш ва бўрдокилаш даврида майда гуруҳли сақлашнинг энг мақсадга мувофиқлигини аниқлаганлар. Бундай шароитда улар кам безовталанган, озукадан бир текис фойдаланган, узоқроқ дам олган, рационнинг энергиясидан самарали фойдаланган ва юқори ўсиш кўрсаткичларига эга бўлган. Юқори гўшт маҳсулдорлигига эришишда қўйларнинг этологик типларини инобатга олиш кўзи гўшти етиштиришни оптимизациялашни даврийлаштиришни таъминлашга имкон яратилиши мумкинлиги таъкидланади. Бунда муаллифлар томонидан олдин тез етилувчи назорат гуруҳидаги қўзилардан, кейин тажриба гуруҳидаги қўзиларидан фойдаланиш тавсия этилади.

Тадқиқот мақсади. Қорақалпоқ сур қорақўл қўйларининг биологик хусусиятлари, ушбу хусусиятларнинг кўчқорларда ва уларнинг авлодларида маҳсулдорлик кўрсаткичларининг шаклланиши ҳамда намоён бўлишига таъсирини ўрганиш асосида улар маҳсулдорлигини ошириш йўллари аниқлаш.

Тадқиқот усули. Қўйларнинг гўшт маҳсулдорлиги “Изучение мясной продуктивности овец” услубий тавсияларига асосан [1], жун ва сут маҳсулдорлиги маҳсулот миқдорини ўлчаш йўли билан аниқланган. Рақамли маълумотларга вариацион статистика усулларида “Руководство для биометрии для зоотехников” (Н.А.Плохинский (1969)) қўлланмаси бўйича математик ишлов берилган [2].

Тадқиқот натижалари. Гўшт чорвачилик соҳасининг самарадорлигини оширишда муҳим ўрин тутувчи маҳсулот ҳисобланади. Чорвачиликнинг турли соҳаларидаги каби қорақўлчиликда ҳам маълум контингентдаги қўйлар гуруҳлари ҳисобига гўшт ишлаб чиқаришни кўпайтиришга алоҳида эътибор қаратилади. Қорақўлчиликда гўшт ишлаб чиқариш асосан қари совлиқлар ва кўчқорлар, катта ёшли ва туғилган йилида ўстиришга қолдирилган тери сифатива наслчиликка яроқсиз ҳисобланган кўчқорчалар ҳисобига амалга оширилади. Қўйларнинг гўшт маҳсулдорлигини ошириш уларнинг ушбу салоҳиятидан унумли фойдаланишга боғлиқ. Ушбу маҳсулдорликни ошириш кўпгина факторларга, жумладан озук шароитига, қўйларнинг конституциясига, соғломлигига, ёшига, жинсига боғлиқ.

Шу билан бир қаторда гўшт маҳсулдорлигини оширишда қўйларнинг биологик хусусиятларини инобатга олиш ҳам муҳим аҳамият касб этадики, бу йўналишда олиб борилган тадқиқотлар даражаси етарли эмас.

Қайд этилганлар нуктаи назардан тадқиқотларда турли биологик хусусиятдаги кўчқорчаларнинг гўшт маҳсулдорлиги ўрганилди (1-жадвал). Гўштга тайёрлаш давомида яйловда озиклантириш даврида кўчқорчалар охириги 2 ой давомида даврларга қараб 1 бошга 0,3-0,5 кг ҳисобидан қўшимча озиклантирилди.

Қорақалпоқ сур қўйларидан олинган қўчқорчаларнинг гўшт маҳсулдорлиги

Кўрсаткичлар	Назорат гуруҳидаги қўйлардан олинган қўчқорчалар	Тажриба гуруҳидаги қўйлардан олинган қўчқорчалар
Қўчқорчалар сони, бош	3	3
Сўйим олди тирик вазни, кг	40,4±0,49	38,9±0,42
24 соатдан кейинги тирик вазн, кг	38,6±0,35	37,1±0,35
Нимта оғирлиги, кг	18,2±0,24	17,5±0,21
Ички ёғлар оғирлиги, кг	0,98±0,11	0,41±0,05
Сўйим оғирлиги, кг	19,18±0,36	17,91±0,31
Сўйим чиқими, %	49,7	48,3

Жадвал маълумотлари гўшт маҳсулдорлиги бўйича биологик кўрсаткичлари бўйича маълум даражадаги фарқланишларни кўрсатади. Бунда барча кўрсаткичлар бўйича назорат гуруҳидаги устунлик қилиши аниқланиб, бундай устунлик тирик вазн бўйича 1,5 ва 2,6 килограммни, нимта оғирлиги бўйича 0,7 ва 1,1 килограммни, ички ёғлар оғирлиги бўйича 0,47 ва 0,65 килограммни, сўйим оғирлиги бўйича эса 1,27 ва 1,75 килограммни ташкил этгани қайд этилди. Ушбу устунликлар ҳисобига назорат гуруҳидаги қўчқорчаларда сўйим чиқимининг мутаносиб равишда 1,4 ва 1,6 фоиз юқори кўрсаткичлари кузатилди.

Хулоса. Турли биологик кўрсаткичга эга қўчқорчалар гўшт маҳсулдорлигини ўрганиш йўналишида олиб борилган тадқиқот натижалари бўйича хулоса қилиш мумкинки, назорат гуруҳидаги қўйларни авлодлари кўрсаткичларининг юқори бўлиши билан бирга, айрим ҳолатларда бўйича тажриба гуруҳидаги қўйларни авлодалари кўрсаткичларидан юқорироқ бўлиши кузатилди.

Гўшт маҳсулдорлиги бўйича назорат гуруҳига мансуб қўйларда, уларнинг юқори озуқа реакциясига боғлиқ ҳолда, сезиларли даражада устунлик тадқиқотларнинг иқтисодий таҳлилида ҳам ўз аксини топишини кўриш мумкин.

Ёш қўчқорларнинг гўшт маҳсулдорлиги бўйича тадқиқот натижаларининг иқтисодий таҳлили назорат гуруҳи маълум даражадаги устунлигини кўрсатади. Ушбу ҳолатда ушбу устунлик рентабеллик даражаси бўйича қорақўл терилари миқёсида 2,6 ва 6,5 фоизни, гўшт маҳсулдорлиги миқёсида 1,8 ва 3,7 фоизни ташкил этгани аниқланди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Вениаминов А. А. “Изучение мясной продуктивности овец”. 1972.
2. Плохинский Н.А. Руководство по биометрии для зоотехников. Москва. 1969. - С.256.
3. Уримбетов А. А. Шимолий – ғарбий қизилқум шароитида қорақалпоқ сур қорақўл қўйларининг этологик хусусиятлари. Фалсафа доктори диссертацияси (PhD) автореферати. Самарқанд. 2020. 43 бет.
4. Kh K. A. Growth and Development of Young Karakul Sheep of Different Ethological Types //Texas Journal of Agriculture and Biological Sciences. – 2023. – Т. 12. – С. 22-25.
5. Xatamov A. Meat productivity of sheep in Uzbekistan and its relationship with different factors //Scienceweb academic papers collection. – 2021.